

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОГИДА НАРХЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Самиев Шохрух Фахриддин ўғли

Тошкент давлат транспорт университети докторанти

Аннотация: Уибү илмий мақолада электр энергияси тармоғида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, тармоқда сақланиб қолаётган муаммолар, электр энергиясини ишлаб чиқарии ва узатиш жараёнидаги табиий монопол ҳолатлари, электр энергетика соҳасини тартибга солиш ва бошқаришдаги муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиши йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: электр энергетика, электр энергиясини ишлаб чиқарии, табиий монополия, рақобат муҳити, энергия ресурслари, энергия обьектлари, иссиқлик электр станцияси, иссиқлик электр марказлари, муқобил энергия манбалари, гидроэлектростанцияси, нефт маҳсулотлари.

КИРИШ

Инсоният эволюцион ривожланишида сув ва шамол тегирмонлари, сув чархпалақлари, ўз ҳаракати учун шамол кучидан фойдаланувчи кемалардан фойдаланган ҳолда ўз эҳтиёжларинг қондириш йўлида юқори ҳаракатларни амалга оширган. Жамиятнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда инсонлар ўз эҳтиёжларини самарали ва тез қондиришга бўлган талаб қанчалик ошиб борган бўлса, худди шундай инсонларнинг электр энергияга бўлган талаби ҳам параллель равишда ошиб борган. XX асрга келиб, инсоният томонидан электр энергияни иссиқлик электр станциялари орқали ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш йўлларини ўрганиш ва ўзлаштириш бўйича хақиқий инқилоб амалга оширилди. Саноат ва ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш мақсадида, жуда юқори қувватли иссиқлик, гидравлик ва атом электр станциялар, юқори ва ўта юқори, ультра юқори кучланишга эга бўлган электр энергияни узатувчи линиялар қурилди. Ҳозирги кунда, электр энергияга бўлган талаб ошиб бораётган бўлса-да, лекин уларнинг баъзиларидан, яъни: қуёш энергияси, ер ва ойнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўладиган энергия, термоядро синтези энергияси, ер иссиқлиги энергиясидан тўлақонли фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

Республикамизда электр энергияга бўлган талабни рақобатбардош нархларда қондириш ва мавжуд электр станцияларни модернизация ҳамда реконструкция қилиш орқали, электр энергияни ишлаб чиқаришда замонавий ва кам харажатли технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган электр энергияни ҳисобга олиш ва узатиш тизимини замонавий технологиялар ёрдамида қайта қуроллантириш, электр энергияни ишлаб чиқариш соҳасига қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни қўпайтириш орқали нарх

кўрсаткичларига ижобий таъсир этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кўпгина мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам электр энергетика тармоғи табиий монополиялар соҳаларига киради. Яъни электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича, бозорда рақобат муҳитининг йўқлиги, ҳукумат томонидан табиий монополиялар реестрига киритилиб, тартиба солинади ва бошқарилади.

Республикамиз электр энергетика тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича Н. Юсупова [1], Л.А. Соколова [2], А.Г. Нуриддинова [3] каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Уларни аксарият илмий тадқиқот ишлари электр энергетикаси соҳасидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

Энергетика тармоғини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар доим давлат томонидан амалга оширилган ва у доимо табиий монополиялар соҳалари таркибида бўлган. Шу сабабдан ҳар доим ишлаб чиқарилган электр энергияси нарх (тариф) лари давлат томонидан белгилаб келинган.

Дунёда электр энергияни ишлаб чиқариш бўйича мамлакатлар гурухи қўйидаги жойлашган: Жанубий Америка, Ғарбий Европа, Осиё, МДҲ мамлакатлари, Лотин Америкаси, Африка, Австралия. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда умумий электр энергиясининг 80 фоизи ишлаб чиқарилса, ривожланаётган мамлакатлар эса 20 фоизни ташкил қиласди. [4]

Электр энергетика соҳаси халқ хўжалигини ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган умумдавлат ва ўзгармас ресурслар билан таъминловчи иқтисодиётнинг асосий секторини ташкил этади. Электр энергиясини узатиш ва тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантиришга қаратилган объектив тўсиқ, ҳар қандай инфратузилма соҳасида бўлгани каби, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. [5]

Ривожланган давлатлар электр энергетика соҳасида фаолият юритаётган компаниялар, электр бозорида ўз истеъмолчиларига эга бўлиш учун, доимо ўзларининг анъанавий бошқа-рув механизмларини такомиллаштириб бориш-моқда. Жумладан, соҳани ривожлантириш бўйи-ча узоқ муддатли стратегиялар ишлаб чиқил-моқда, электр энергияси учун олдиндан тўлов-ни амалга ошириш бўйича рағбатлантириш меҳанизмлари жорий этилмоқда, соҳада капитал қўйилмаларкириш тизимини такомиллашти-риш ва мижозларга хизмат кўрсатишда самара-ли инновацион ғояларга асосланган дастурлари ишлаб чиқилмоқда. [6]

Энергетика соҳасидаги мавжуд муаммолар йиғилиб, соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ва уларнинг молиявий ҳолатини шубҳа остига солиб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун электр энергетикаси соҳаси ривожланишига муносиб тарзда (қайта тикланадиган манбалардан фойдаланишини кенгайтириш, кам харажатли технологиялардан самарали фойдаланиш, фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни олдиндан тўлаб бориш, соҳага хорижий капитал

микдорларини жалб қилишни ошириш орқали рақобат муҳитини шакллантириш) эътибор қаратиш керак бўлади. [7]

The electricity market of any country has historically been under state control, and the regulation and management of network activities has been governed not by market mechanisms but by public administration mechanisms. Over-centralization of the process of electricity generation and supply to consumers will keep the network in a monopoly position. As a result, it hinders the use of more flexible and diverse forms of electricity generation and sales management, as well as various forms of barriers to market liberalization and the effective formation of a competitive environment. [8]

In the world's experience, the need for widespread use of alternative and renewable energy sources is determined by the rapid growth of the demand for electricity, which will increase by 1.5 times by 2030 compared to 2010, that is, by 2050, it will increase by 3 times. [9]

The main problem facing the oil and gas industry today is the importance of using low-cost methods in the production and delivery of finished products to consumers. For this, effective management of the supply chain in the field is to increase the efficiency and competitiveness of oil and gas enterprises and its supply in general. [10]

While ensuring energy security is not easy, it is important to take steps to achieve it. Energy

security is a multifaceted concept that has dimensions of particular importance: technical and physical obsolescence resulting from infrastructure breakdowns, natural disasters, social unrest, political actions, or acts of terrorism; long-term physical availability of energy supply to meet future growing demand; harmful effects on economic activity and the population due to energy shortages, prices or price changes; serious consequences affecting human health, damage from terrorist acts that damage various forms of property. [11]

As the population of the earth is increasing, their needs are also increasing accordingly. Science and technology are being developed by world scientists in order to effectively meet human needs. As a result of the development of science and technology, the economy of the countries of the world is developing. For the effective development of the country's economy, regular and high-quality electricity supply is necessary. No country's economy can develop without electricity. Electricity generation and supply to consumers are separated by their own characteristics. At the same time, the production of electricity requires a large amount of non-renewable energy sources (natural gas, coal, oil products, etc.). This causes the cost of electricity production to increase. Renewable energy sources, namely the "green four" energy (solar, wind, hydro, and nuclear energy) are needed for low-cost electricity generation. [12]

Мамлакатимизда амалда бўлган қонунчилик меъёрларига кўра, электр энергетика тармоғи табиий монополиялар таркибига киради. Қонунчиликка асосан, табиий монополияларни тартибга солишда қўйидагилар қўлланилади:

- ишлаб чиқарилган ёки кўрсатилган хизмат учун (рўйхат асосида) нарх (тариф) ларни белгилаш ҳар доим давлат томонидан белгиланган;
- табиий монополия соҳаларига кирувчи тармоқ, корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки улар томонидан кўрсатилган хизмат турлари бўйича айрим тоифадаги истеъмолчилар (рўйхатга киритилган) учун чекланган нархларда амалга оширилади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада мамлакатимиздаги электр энергетика тармоғини нархларнинг шаклланиш муаммолари илмий жиҳатдан ўрганиш, қиёсий солишириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларини барқарор ривожлантириш, соҳаларга инвестицияларни самарали жалб этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, соҳаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш орқали соғлом рақобат муҳитини оширишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, айрим соҳалар, жумладан, электр энергетика тармоғида кўпгина ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар сақланиб қолмоқда. Буларга мисол тариқасида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: электр энергияни ишлаб чиқариш соҳасида рақобат муҳитининг йўқлиги; электр энергияни магистрал линиялар орқали узатиш соҳаси – табиий монополия мавқеини доимо сақлаб қолиши; электр энергияни худудий тармоқлар бўйича етказиб бериш соҳаси ҳозиргача давлат тасарруфида қолаётгани, соҳада рақобат муҳити шаклланмаётги; электр энергия учун нарх (тариф)ларни белгилаш бозор тамойилларига асосланмагани, ҳозиргача давлат томонидан нарх (тариф)ларни белгилаш амалиётининг сақланиб қолаётгани; табиий монополиялар давлат реестрига киритилган соҳаларни назорат қилиш тизимининг эски ва иқтисодий самарасиз эканлиги. Буларнинг барчаси, албатта, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда электр энергияни ишлаб чиқариш иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан амалга оширилади. Электр энергияни магистрал линиялар орқали узатиш ва электр энергияни худудий электр тармоқлари орқали иқтисодиёт тармоқлари ва истеъмолчиларга етказиб бериш борасида бир қанча муаммо ва камчиликлар мавжуд. Шу билан бир қаторда, энергетика ресурсларидан фойдаланганда, жумладан, электр энергияга нарх белгилаш ва соҳада тариф сиёсатини самарали олиб борища бевосита ва билвосита таъсир қилувчи муаммолар сақланиб қолмоқда. Айнан электр энергия тармоғида нарх (тариф)

шаклланишидаги муаммоларни илмий – назарий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилиш доимо мухим ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида электр энергетика тармоғи мухим ҳисобланади. Чунки электр энергия нархларининг ўсиши бошқа тармоқларда ҳам нарх ўсишига олиб келади. Лекин кўпчилик электр энергия манбаларини маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда асосий хомашё сифатида қарамайди. Шунинг учун ҳозирда дунёда энергетика инқирози юзага келмоқда. Энергетика тармоғидаги мавжуд муаммолар йиғилиб, соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши ва уларнинг молиявий ҳолатини шубҳа остига солиб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун электр энергетикаси соҳаси ривожланишига муносиб тарзда (қайта тикланадиган манбалардан фойдаланишни кенгайтириш, кам ҳаражатли технологиялардан самарали фойдаланиш, фойдаланилган электр энергия учун тўловларни олдиндан тўлаб бориш, соҳага хорижий капитал миқдорларини жалб қилишни ошириш орқали рақобат мұхитини шакллантириш) эътибор қаратиш керак бўлади.

«Мамлакатимизда асосий энергия ресурсларининг нархи паст бўлиб қолаётгани, бозор иқтисодиёти шароитида ўзини оқламаслигини, албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли ва саноат корхоналари учун 1 мегаватт соат электр энергиянинг нархи 25 АҚШ долларини ташкил этади. Германияда эса, бу нарх аҳоли учун – 332 доллар, корхоналар учун – 144 доллардан иборат. Россияда тегишлича, 47 ва 51 долларни, Ҳиндистонда 68 ва 87 долларни ташкил этади. Шунингдек, 1000 куб метр табиий газнинг нархи Ўзбекистонда - 32,9 доллар, Швецияда - 1552, Португалияда - 1132 доллардан зиёд, Италияда - 1045, Германияда - 785 доллардан, Англияда эса, 770 доллардан ортиқни ташкил этади. Бу рақам Россияда 83 доллардан, Қозогистонда 45 доллардан зиёддир».

Юқорида таъкидланганидек, электр энергия учун нарх (тариф)лар қолган давлатларга нисбатан бизнинг мамлакатимизда анча арzon. Чунки бизнинг мамлакатимизда нарх (тариф) лар давлат томонидан белгиланади. Электр энергияни ишлаб чиқариш ҳаражатлари биз тўлайдиган нархлардан анча қимматга тушади. Соҳа ҳар доим давлат томонидан молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлаб келинади. Шунинг учун электр энергетика тармоғида аниқ стратегик дастурлар ишлаб чиқиши орқали электр энергияни ишлаб чиқариш, магистрал линиялар орқали узатиш ва ҳудудий тармоқлар орқали етказиб бериш тармоқлари учун хизмат кўрсатувчи корхоналарни хусусийлаштириб, тадбиркорлик мұхитини шакллантириш орқали рақобат мұхитини ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кўпроқ фойданишни йўлга қўйиши орқали электр энергияни ишлаб чиқариш талаб этилади.

Электр энергия учун жорий ва капитал ҳаражатларни қоплашга асосланган ҳисоб-китоб тарифини назарда тутувчи ва тармоққа хусусий секторни жалб қилишни рағбатлантирувчи электр энергетика тармоғидаги сиёсатини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13

апрелдаги «Электр энергетика тармоғида тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №310-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда қуидаларни амалга ошириш назарда тутилган: 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тармоғидаги тариф сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; электр энергия учун тарифларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Республикамизда тариф ва нарх сиёсати борасида бир қанча олимларимиз ўз фикрларини билдиришган ёки илмий тадқиқотлар олиб боришган. Тариф усулларини кўллаш тарафдорларининг фикрича, тарифларнинг иқтисодиётга ижобий таъсири қуидагича бўлади:

- тарифлар ёш тармоқларни ҳимоя қилишга хизмат қиласи;
- давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида фойдаланилади;
- мамлакат ичкарисида даромадни қайта тақсимлаш фаоллашади;
- арzon хорижий ишчи кучини жалб этиш имконияти яхшиланади;
- мамлакатнинг хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашувининг олди олинади.

Тариф усулларини кўллашга қарши бўлганларнинг фикрича, тарифларнинг иқтисодиётга салбий таъсири қуидагиларда намоён бўлади:

- ташқи савдода тарифларни чеклаш амалиёти амалга оширилса, дунёда ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади;
- мамлакатлар ўртасида товарларнинг оптимал тақсимотига тўсқинлик қиласи;
- истеъмолчига солиқ юкининг ортишига олиб келади;
- импортга белгиланган тарифлар экспорт ҳажмининг қисқаришига таъсир киласи;
- тарифларнинг белгиланиши мамлакатдаги ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлади.

«Нарх шакллантиришнинг иккита асосий тизими характерлидир: биринчиси - талаб ва таклиф ўзаро муносабатлари асосида фаолият кўрсатадиган бозор нархи шакланиши; иккинчиси - давлат томонидан маҳсулот ва хизматлар учун нархларни белгилаш».

Жаҳон хўжалигида нарх шакланишига дунёning кўплаб мамлакатларида ишлаб чиқариш ташкилотларига эга бўлган ва бир қатор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни монополлаштиришга ҳаракат қилувчи йирик трансмиллий корпорация ва концернлар ҳам таъсир кўрсатади. Нархни ошириш учун бу компаниялар сифат монополиясидан фойдаланадилар ҳамда айrim маҳсулот турларига ишлаб чиқаришнинг байналминал нархларидан фарқ қилувчи нархларни белгилайдилар.

Тартибга солинадиган фаолиятни амалга оширувчи ташкилот қуидаги фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритишга мажбур: электр энергияни ишлаб чиқариш; иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш; электр энергияни магистрал электр тармоқлар бўйича узатиш; электр энергияни охирги истеъмолчиларга тақсимлаш ва сотиш.

Тартибга солинадиган тарифларни белгилашда келтирилган фаолиятлар бўйича бир хил харажатларни қайта ҳисобга олишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида 2014-2022 йилларда электр энергия нархлари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ўзбекистонда 2014-2022 йилларда электр энергияси нархлари

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, 2014 йилда 1 кВт.соат электр энергия нархи аҳоли учун 131,4 сўмни, саноат корхоналари учун 250 сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 1 кВт.соат электр энергия нархи аҳоли учун 295 сўмни, саноат корхоналари учун 450 сўмни ташкил қилган.

Мамлакат мустақилликка эришишидан олдинги даврда электр энергетика тармоғи нафақат республикамизни, балки қўшни республикаларнинг ҳам айrim худудларини электр энергия билан таъминлаб келаётган эди. Мустақилликка эришилгандан кейин электр энергияни ишлаб чиқариш тармоғи молиявий жиҳатдан жуда қийин ҳолатда қолди. Чунки айнан электр энергетика тармоғи қолган барча тармоқ, корхона ва ташкилотларнинг самарали фаолият юритиши учун хизмат қиласди.

Дунё мамлакатларида табиий газ ва электр энергиянинг аҳоли учун ўртacha ойлик иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган мақбуллик рейтинглари мавжуд. Европа мамлакатлари бўйича тузилган ана шундай рейтингларда электр энергия ёки газнинг ҳозирги нарх-наводан келиб чиқиб, бир ойлик ўртacha иш ҳақига неча м³ газ ёки қанча киловатт электр энергияни харид қилиш мумкинлиги ҳисобланади. Сўнгра аҳолининг ушбу маҳсулотлардан фойдалана олиш даражасига қараб, рейтинг тузилади. Мазкур рейтингда мамлакатнинг эгаллаган ўрни қанчалик юқори бўлса, ушбу мамлакат аҳолисининг электр энергия ёки газдан фойдалана олиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади (1-жадвал).

1-жадвал.

Табиий газнинг аҳоли учун мақбуллиги бўйича Европа мамлакатлари рейтинги (2021 йил)

| № | Мамлакат | Ўртacha иш ҳақига тўғри иған газ миқдори, м ³ | 1000 қубаметр газ нархи, долларида |
|----|---------------|--|------------------------------------|
| 1 | Люксембург | 7870 | 494,7 |
| 2 | Қозоғистон | 7521 | 49,5 |
| 3 | Россия | 6652 | 95,4 |
| 4 | Ўзбекистон | 5507 | 43,65 |
| 5 | Буюк Британия | 5260 | 601,9 |
| 6 | Германия | 4034 | 701,2 |
| 7 | Бельгия | 3753 | 721,2 |
| 8 | Ирландия | 3687 | 878,5 |
| 9 | Австрия | 3632 | 809,2 |
| 10 | Голландия | 3352 | 993,2 |

Манба: uzanalytics.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Мазкур жадвалдаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2021 йилда табиий газнинг аҳоли учун мақбуллик даражаси бўйича Европа мамлакатлари рейтинги ишлаб чиқилган. Унга кўра, ўртacha иш ҳақига тўғри келадиган газ миқдори, кубаметрда: Люксембургда - 7870 м³, Қозоғистонда - 7521 м³, Россияда - 6652 м³, Ўзбекистонда - 5507 м³, яъни республикамиз 10 та мамлакат ичida 4-ўринда турибди. 1000 м³ газ нархи, АҚШ долларида ҳисобланганда Ўзбекистонда 43,64 АҚШ долларида, яъни энг арzon нархда эканлигини қўришимиз мумкин. Иккинчи ўринда - Қозоғистонда 49,5 АҚШ долларида, учинчи ўринда - Россияда 95,4 АҚШ долларида, тўғри келмоқда. Аҳолига энг қиммат газ сотилиши Голландия тўғри келмоқда, яъни 993,2 АҚШ долларида баҳоланганд. Европа мамлакатлари билан таққослагандан, Ўзбекистон ушбу кўрсаткич билан аҳолининг табиий газдан фойдаланиш даражаси рейтингида, шартли равишда, 4-ўринни эгаллаши мумкин.

Электр энергиянинг аҳоли учун мақбуллиги бўйича Европа мамлакатлари рейтинги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Электр энергиянинг аҳоли учун мақбуллиги бўйича Европа мамлакатлари рейтинги (2021 йил)

| № | Мамлакат | Ўртacha иш ҳақига тўғри келадиган ча электр энергиясининг миқдори, с | 1 кВт/с гияси нархи, АҚШ арида |
|-----|-------------|--|--------------------------------|
| 1 | Лихтенштейн | 31307 | 0,19 |
| 2 | Испания | 28377 | 0,16 |
| 3 | Люксембург | 20670 | 0,20 |
| 4 | Норвегия | 19689 | 0,22 |
| 5 | Голландия | 17508 | 0,20 |
| ... | | | |
| 11 | Қозоғистон | 12604 | 0,03 |
| 12 | Россия | 12066 | 0,05 |

| | | | |
|-----|------------|------|------|
| ... | | | |
| 24 | Ўзбекистон | 7094 | 0,04 |
| ... | | | |
| 30 | Белоруссия | 5784 | 0,08 |
| ... | | | |
| 35 | Туркия | 5088 | 0,10 |

Манба: uzanalytics.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Мазкур жадвалда келтирилган маълумотлар электр энергиянинг аҳоли учун мақбуллик даражаси бўйича 2020 йилда Европа мамлакатлари рейтингига ўртacha иш ҳақига тўғри келадиган ўртacha электр энергиянинг миқдори, кВт/соатда ҳисобланганда биринчи ўринда Лихтенштейн - 31307 кВт/с, иккинчи ўринда Испания - 28377 кВт/с, ўн биринчи ўринда Қозоғистон - 12604 кВт/с, ўн иккинчи ўрин Россия - 12066 кВт/с, йигирма тўртинчи ўринда Ўзбекистон 7094 кВт/соатга тўғри келган. Белоруссия мамлакати ўттизинчи ўринда бўлса, 5784 кВт/с, Туркия мамлакати ўттиз бешинчи ўринда, яъни 5088 кВт/соат билан жойлашган.

1 кВт/с электр энергияси нархи, АҚШ долларида ҳисобланганда энг қиммат электр энергия нархи бўйича биринчи ўринда Норвегия - 0,22 АҚШ доллари, иккинчи ўринда - Люксембург ва Голландияда - 0,20 АҚШ долларида ҳисобланган бўлса, энг арzon электр энергия Қозоғистонда - 0,03 АҚШ долларида, Ўзбекистонда - 0,04 АҚШ доллари, Россияда эса, 0,05 АҚШ долларини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси учун электр энергиядан фойдаланиш борасида вазият бутунлай бошқача бўлиб, тарифга кўра (1 кВт/соат учун 295 сўм), республика Европанинг 42 та мамлакати киритилган рейтингда, шартли равишда, 24-ўринни эгаллаши мумкин.

Бу, Европа мамлакатлари билан таққослагандан, Ўзбекистон аҳолиси учун электр энергиянинг мақбуллиги ўртacha даражада деганидир. Агар 1 кВт/соат электр энергия нархи, хукумат режалаштираётганидек, 480 сўмгача ошадиган бўлса, Ўзбекистон ушбу рейтингда фақатгина Албания ва Молдовани ортда қолдириб, энг охирги ўринлардан бирини, яъни 41-ўринни эгаллаши мумкин.

Электр энергия учун олдиндан тўлов миқдорини рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилди (3-жадвал).

3-жадвал

Электр энергия учун тўловни амалга оширишни рағбатлантириш механизми

| № | Гурӯҳ номлари | Амалдаги 1 кВт.с тотал энергияси и (сўм) | Ҳар бир ой учун ала- нилмаган ори (млн. сўм) | Хешбэк фоиз аси (фоизда) |
|---|--|--|--|-----------------------------------|
| 1 | Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ ян, электр энергияси учун жалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб надиган истеъмолчилар | 450 | 50 | 2 |
| | | | 75 | 4 |
| | | | 100 | 6 |

| | | | | |
|---|--|-------|----|---|
| 2 | Электр энергияси учун бир ставкалык бүйича хисоб-китоб киладиган истеъмолчилар | 450 | 10 | 2 |
| | | | 20 | 4 |
| | | | 40 | 6 |
| 3 | Маиший истеъмолчилар | 295 | 1 | 2 |
| | | | 2 | 4 |
| | | | 3 | 6 |
| 4 | Электр плиталари билан жиҳозланган ий истеъмолчилар | 147,5 | 1 | 2 |
| | | | 2 | 4 |
| | | | 3 | 6 |
| 5 | Бюджет ташкилотларидан ташқари, I ва риф гурӯҳлари истеъмолчилари | 450 | 5 | 2 |
| | | | 10 | 4 |
| | | | 20 | 6 |
| 6 | ПҚ-3379-сонли қарор билан икланган рўйхатдаги истеъмолчилар | 450 | 10 | 2 |
| | | | 20 | 4 |
| | | | 30 | 6 |

Юқоридаги жадвалда келтирилған рағбатлантириш механизми орқали электр энергия учун тұловларни вақтида амалға ошириш имконияти янада ошади. Шу билан бир қаторда, электр энергияни ишлаб чықариш, магистрал линиялар, худудий тармоқ подстанциялари учун ўз-ўзини молиялаштириш имкониятнің янада оширади.

Хулоса. Мамлакатимизнинг электр энергетика тармоғи ҳозирги кунда уча мустақил ташкилотга айлантирилгани учун, бунда бошқарув харажатлари бирмунча ошган. Шу билан бирга, айрим масалаларда нокулайликлар вужудга келган, жумладан, соҳада фойдаланилган электр энергия учун тўловлардан пул тушумларининг хисоб-рақамлар орқали айланишдаги нокулай вазият. Мустақил ташкилотларга айланган жамиятларда замонавий бошқарув усулларини қўллаш орқали қуидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- электр энергияни ишлаб чиқариш соҳасида хусусий шерикчилик муносабатларини такомиллаштириш, соҳага хорижий инвесторларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатини ҳимоя қилган шартлар асосида жалб қилиш;
 - электр энергияни ишлаб чиқарувчи, узатиб берувчи ва етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириб турувчи манфаатли бошқарув муносабатларини такомиллаштириш ва улар бошқарувида замонавий инновацион усулларни қўллаш;
 - иқтисодиёт тармоқлари учун табақалаштирилган ва аҳолига имтиёзли чегирмалар асосида электр энергия нарх (тариф) ларини белгилаш;
 - мамлакатимизда электр энергия учун тўловни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи механизmlарини (хешбэклар асосида) жорий этиш;
 - республикамизда электр энергиядан фойдаланганлик учун аҳолининг тўловга лаёқатсиз қатлами учун алоҳида нарх (тариф)лар белгилаш;
 - иссиқлик электр станциялари ва марказларни бошқаришда илгор хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- электр энергияни ишлаб чиқариш ва худудий электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳасида соф рақобат мухитини шакллантириш;
- электр энергияни ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциялари ва марказлар томонидан мустақил тарзда йирик саноат корхоналарига тўғридан-тўғри электр энергияни узатиш имкониятини яратиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

19. Соколова Л. ва бошқалар. Экономические аспекты регулирования водно-энергетического баланса реки Сырдарья. // Энерго и ресурсосбережения, 2005, №1, - С.131-138.
20. Нуриддинова А. Организация инновационной деятельности в электроэнергетике Узбекистана. // Материалы конференции VII Международного Форума «Высокие технологии XXI века» 2006 г. Москва., -С. 351-352.
21. Мажидов Т. Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари. Дарслик - Т.: 2016.
22. Saidov Mash'al Samadovich (2021) Электр энергетика соҳасини бошқаришда хориж тажрибасидан фойдаланиш йўллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2021 йил, 6-сон. file:///C:/Users/Acer/Downloads/330.pdf
23. Йўлдошев Н.Қ., Saidov M.C., Samiev Ш.Ф. (2022) ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТР БОЗОРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ: SWOT –ТАХЛИЛИ. Iqtisodiyot va ta'lim / 2022-yil 1-son <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/348/390>
24. Saidov Mash'al Samadovich (2023) Электр энергетика тармоғини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnalı. 1/2023, yanvar-fevral (No 00063). <https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/view/195/228>
25. Saidov Mashal Samadovich (2023). Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekista. International Journal of Business Diplomacy and Economy Volume 2, No 1 | Jan- 2023. P. 98-110. <https://inter-publishing.com/index.php/ijbde/article/view/977/843>
26. Saidov Mashal Samadovich (2023). Renewable Energy Sources and Ways of their Implementation in the Republic of Uzbekistan. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT ISSN (electronic): 2620 - 6269/ ISSN (printed): 2615 – 4021 Vol. 5 No. 1 | January 2023. P. 38-52. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/3879/3668>

27. Saidov Mashal Samadovich (2023). Improving Management Efficiency at Oil and Gas Industry Enterprises in Uzbekistan. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 25, Jan-2023. P. 15-24. ISSN 2697-2212 Available Online:
<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/622/620>
28. Saidov Mashal Samadovich (2022) WAYS TO ENSURE ENERGY SECURITY IN UZBEKISTAN. Middle European Scientific Bulletin, VOLUME 21 Feb 2022.<https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/1062/977>
29. N.K.Yuldashev, M.S. Saidov. (2023) The Economy of the Countries of the World is Experiencing the Need for Nuclear Power Plants. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No.1,2023.
<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1890/1718>
30. Saidov Mashal Samadovich, Bobamuradov Behruz (2023) Improving Government Regulation of Corporate Governance. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No.1,2023.
<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1900/1729>
31. Saidov Mashal Samadovich, Kudratov Nuriddin Khamza ugli (2023) Priority Directions of Development of Institutional, Regulatory and Legal Systems of Corporate Governance. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No.1,2023.<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1906/1735>
32. Saidov Mashal Samadovich, Rakhimberdiev Khatamboy Dilshodzhon ugli (2023) Organization of Production and Management of New Enterprises. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No.1,2023.
<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1908/1737>
33. Saidov Mashal Samadovich, Alimov Aziz (2023) Methods of Organizing Corporate Governance at the Enterprise. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No.1,2023.
<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1910/1739>
34. Saidov Mashal Samadovich, Ruziev Erali Yarash ugli (2023) Features of the System of Digital Information and Communication Technologies in the Management of Companies. MANAGEMENT ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No.1,2023.
<https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1911/1740>